

АҚШ сайловларида икки мусулмон етакчилик қилди



13:40 / 04.11.2021 1509

Икки мусулмон Америка Қўшма Штатларида ўтказилган мэрлик сайловида тарих зарварақларидан жой олди. Дирборн ва Хамтрамк (Детройт чеккасида) шаҳарларида мэрлик сайлови бўлиб ўтди ва унда икки мусулмон сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Республикачилар штат вакили Абдулла Хаммуд Дирборннинг еттинчи мэри этиб сайланди. У бундай лавозимни эгаллаган биринчи араб ва америкалик мусулмон бўлди. Хаммуд 55% овоз олди, Уэйн округининг собиқ губернатори Гэри Ворончакни 45% ортида қолдириб, ғалаба қозонди. Детройт АҚШнинг шимолида жойлашган Мичиган штатидаги шаҳар.

42 ёшли тиббиёт мутахассиси Амир Ғолиб Хамтрамк мэри бўлди. Сайловчилар томонидан у 68% овоз тўплади. Хамтрамкнинг собиқ губернатори Карен Маевски 31% овоз тўплади. Амир Ғолиб Хамтрамкни бошқарган биринчи араб ва америкалик илк мусулмон бўлди. Хамтрамк АҚШнинг Мичиган штати Уэйн округидаги шаҳардир.

Ғолиб Яманда туғилган ва 19 ёшида Америка Қўшма Штатларига кўчиб келган, пластик автомобил қисмлари ишлаб чиқарадиган заводда кунига 10 соат ишлаган. Кейинчалик Уэйн штат университетиде биология, сўнгра Доминикада ташкил этилган Росс университети тиббиёт факултетида илмий даражага эга бўлди.